

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАИЛОВ ХУРШИД ЭСИРГАПОВИЧ**

**БОТАНИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА  
ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗАЛАШ МАДАНИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(академик лицейлар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исмаилов Хуршид Эсиргапович**

Ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштириш (академик лицейлар мисолида) ..... 3

**Исмаилов Хуршид Эсиргапович**

Усовершенствование культуры защиты растений у учащихся в процессе изучения ботаники (на примере академических лицеев) ..... 23

**Ismailov Xurshid Esirgapovich**

Improving the culture of plant protection in students in the process of teaching botany (on the example of academic lyceums)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАИЛОВ ХУРШИД ЭСИРГАПОВИЧ**

**БОТАНИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА  
ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗАЛАШ МАДАНИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(академик лицейлар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2021.3PhD/Ped685 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб саҳифасида ([www.cspl.uz](http://www.cspl.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маҳкамов Улфат Илхомович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тожиева Зулхумор Назаровна**  
география фанлари доктори, профессор  
**Хасанова Шохиста Бобоқолоновна**  
педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17»  
11.09.22 кунини соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111720 Тошкент вилояти,  
Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-45-41; e-mail: chdri-  
kengash@umail.uz.)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг  
Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (85 - рақами билан рўйхатга олинган).  
Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй.  
Тел(99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил «03» 11.09.22 кунини тарқатилди.

(2022 йил «03» 11.09.22 даги № 22 сонли реестр баённомаси)



## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ўсимликларни муҳофаза қилишда глобал ҳамкорликни йўлга қўйиш, рақамли таъсир кўрсатиш ва биотехнологик инновацияларни жорий этиш, ботаника коллекцияларини яратиш соҳасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Ўсимликларни сақлаш глобал стратегиясида “дунёда ўсимликлар хилма хиллигини ва ёввойи табиатда тарқалишини, муҳофаза қилинадиган туманлар ва коллекцияларни хужжатлаштириш ex-situ (турларни сақлаш усули); ўсимликлар хилма-хиллиги ҳақидаги маълумотларни бошқариш учун комплекс ва интерактив ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, шунингдек, хилма хилликка таъсир этадиган ижтимоий, маданий ва иқтисодий омилларни ўрганиш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш долзарб муаммо саналади.

Дунёда ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш, биологик хилма хилликни сақлаш, ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хавфсиз экологик муҳит яратиш, ўқувчиларнинг ўсимлик бойликларини муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш, ўсимликлар ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларни кузатиш, улар билан боғлиқ тажрибалар ўтказиш, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини, дориворлик хусусиятларини ўрганиш соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўсимликлар дунёси умуммиллий бойлик бўлиб, ўқувчи-ёшларда ундан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантиришнинг интегратив технологияларини ишлаб чиқиш, замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар самарадорлигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муайян муносабатларини мустаҳкамлаш, ўсимлик турларининг йўқолиб кетишини олдини олиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш маданиятини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистонда кучли, узокни кўзловчи сиёсат амалга оширилаётганини жаҳондаги ривожланган давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Хусусан, “атроф муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш”<sup>2</sup> устувор вазифа қилиб белгиланган. Академик лицейларда биология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг атроф-муҳитга нисбатан оқилона муносабатларини таркиб топтириш, она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсимликлар

<sup>1</sup> Глобальная стратегия сохранения растений // <https://www.cbd.int/doc/publications/pc-brochure-ru.pdf>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармон // <https://www.lex.uz/ru/docs/4574008>

дунёсини муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-409-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5313-сон, 2019 йил 10 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5863-сон Фармонлари ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Хорижий мамлакат олимлари томонидан ўсимликларни муҳофаза қилиш хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар Ж.Сессион, Н. Ebrahimzadeh, R. Molina, M. Negbi, E.Karimi, M. Coiola томонидан олиб борилган.

МДХ мамлакатларида ўсимликларни, табиатни муҳофаза қилиш, табиатшунослик ўқитиш методикасини такомиллаштириш соҳасида В.А.Бахарев, Г.Н.Аквилева, З.А.Клепинина, Т.Г.Карагезов, Л. Фарук, К.Куль, И.Д. Зверев, А.Н. Захлебнийлар томонидан олиб борилган тадқиқотни келтириш мумкин.

Республикамизда ўсимликлар оламини тадқиқ этиш ва табиий фанларни ўқитишда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари Ж.О.Толипова, Қ.Тўраев, М.Зокирова, Р.О.Орипов, М.Х.Халилова, Н.Ашурова, А.Р.Маликова, К.Х.Хайдаров, А.С. Тўхтаев, Х.Махкамова, А.Ниғматов, Ш.Тожибоев, А.Имомалиев, Ф.Комилова, Ф.Жонгузаров, А.Қ. Айматов, Д.Э. Азимова, Ш. Авазов, М.Г. Нишонбоевалар томонидан ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегиясида тасдиқланган “Узлуксиз таълим тизимида биология фани

ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** академик лицей ўқувчиларида ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданияти мазмуни ҳамда уларда табиатсеварлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш иммунитетни ҳосил қилишнинг методологик асосларини таҳлил қилиш;

ботаника фанини ўқитиш асосида ўқувчиларда табиат муҳофазасига қаратилган ўсимликларни муҳофаза қилиш маданияти (эстетик идрок, ўсимликлар ўзгарувчанлигини давомли кузатиш кабилар)ни ривожлантириш тизими мазмунини ривожлантириш;

ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

академик лицей ўқувчиларига ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш методикасини тажриба синовдан ўтказиш, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** биология фанини ўқитишда ўқувчиларининг ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат аграр университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Гулистон давлат университети ҳузуридаги академик лицейларнинг 350 нафар ўқувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** академик лицей ўқувчиларида ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** Тадқиқот ишида муаммога доир фалсафий, педагогик, психологик, методик адабиётларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, ўрта махсус таълим муассасаларида илғор педагогик тажрибаларни таҳлил қилиш, сўровномалар ўтказиш, махсус ишланмалар асосида бажарилган ишлар мониторинги, тажриба-синов натижаларини математик-статистик жиҳатдан қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

академик лицей ўқувчиларига ботаника фанини ўқитиш мазмунининг интегратив-дидактик жиҳатлари атроф муҳитга оқилона муносабатни таркиб топтириш, ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини шакллантириш орқали мақсадларга эришиш даражаси идентифлигини таъминлашнинг методологик асослари аниқлаштирилган;

ботаника фанини ўқитишда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш тизимининг яхлитлигини таъминлаш методикаси табиий объект муҳофазасига қаратилган (маданий анъаналар,

қадриятлар ва меъёрлар, табиатнинг маданий манзарасига антропоген таъсир кўрсатиш) биомониторинг ва биологик назоратни баҳолашга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантиришда қиёслаш, табиат бурчаги элементларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни асраш бўйича амалий ҳаракатлар каби методларни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

академик лицей ўқувчиларининг ботаника фанини ўзлаштириш жараёнида табиатни муҳофазалаш маданиятининг ривожланганлик даражасини ташхислашнинг кузатув, таҳлил ва лойиҳалаш компонентларини интегратив мувофиқлаштириш орқали объектив баҳолаш имкониятлари очиб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

академик лицейларда ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини шакллантиришнинг методик таъминоти, дидактик воситалари такомиллаштирилган;

академик лицей ўқувчилари учун ботаника фанларидан лаборатория машғулотлари бўйича ўқув ва электрон қўлланмалари академик лицейларнинг таълим жараёнига тадбиқ этилган;

ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий мазмуни, шакл ва методларининг педагогик шарт-шароитлари асосидаги модели яратилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Хорижий ва республика ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуман материаллари, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш асосида уларнинг табиат, ботаника, биология каби табиий фанлар таълими йўналиши бўйича назарий-амалий билим, кўникма ва малакаларини эгаллашнинг тизимли, мазмунли модели, усуллари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришга имкон берувчи такомиллаштирилган методика ва амалий тавсиялар, эришилган натижалар, дарс машғулотлари ва Ботаника фанини ўқитишни ташкил этишда, шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш учун хизмат қилади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ботаника фанини ўқитишда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш тизимининг яхлитлигини таъминлаш методикаси табиий объект муҳофазасига қаратилган (маданий анъаналар, қадриятлар ва меъёрлар, табиатнинг маданий манзарасига антропоген таъсир кўрсатиш) методологик асосларига оид тавсиялари Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари учун нашр этирилган “Ботаника” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон республикаси Экология қўмитасининг 2021 йил 18 августдаги 03-02/8-1163-сон маълумотномаси). Натижада, академик лицей ўқувчилари Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир методик таъминоти бойитилган;

ботаника фанини ўқитишда ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш тизими мазмуни табиат муҳофазасига қаратилган кўникмаларга доир ишлаб чиқилган илмий-амалий, услубий тавсиялардан “Ботаника” ўқув қўлланмасининг “Флора ва ўсимликлар қоплами” ва “Ўсимликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш” бобларини ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 12 августдаги 03/21-3356-сон маълумотномаси). Табиатни муҳофазалаш маданиятининг ривожланганлик даражасини ташхислашнинг кузатув, таҳлил ва лойиҳалаш компонентларини интегратив мувофиқлаштириш орқали объектив баҳолаш имкониятлари очиб берилган. Натижада, ўқувчиларда эстетик идрок, ўсимликлар ўзгарувчанлигини давомли кузатиш ҳамда маъсуллик кўникмалари шаклланишига хизмат қилган;

академик лицей ўқувчиларининг ботаника фанини ўзлаштириш жараёнида табиатни муҳофазалаш маданиятининг ривожланганлик даражасини ташхислашнинг кузатув, таҳлил ва лойиҳалаш компонентларини интегратив мувофиқлаштириш орқали объектив баҳолаш имкониятларига оид таклифлардан ЁА-1-6 рақамли “Академик лицей ўқувчилари учун “Ботаника” ўқув қўлланмасини тайёрлаш (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 20 декабрдаги 02-07-4141/04-сон далолатномаси). Натижада таълим олувчиларнинг зехнли қиёслаш, хулоса чиқариш ҳамда табиат муҳофазаси учун масъуллигини ҳис қилиш кўникмалари ривожланишига асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 14 та республикада илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш 2 та ўқув қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш

учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан 2 таси хорижий ва 13 таси республика журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштиришнинг илмий методик асослари”** деб номланган биринчи бобида ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантиришнинг муаммолари, функциялари, педагогик шарт-шароитлари, табиатдан онгли равишда фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлод учун зарур ҳаётий шароитлар яратишда давлат ва жамоатчиликнинг назорати остида ушбу жараёнларни амалга ошириш, она табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш асосини ташкил этишга оид соғлом муҳит яратиш ва уларга нисбатан муносабатда бўлиш, уларни амалий фаолиятда қўллаш, академик лицей ўқувчиларида ўзи яшаб турган хонадон, маҳалла, шаҳрига бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини, яъни табиатга нисбатан ахлоқий қадриятларини ривожлантириш кабиларнинг аҳамияти имий назарий жиҳатдан асосланган. Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданияти тушунчаси, моҳияти, ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш шарт-шароитлари, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларининг улар ҳаёти ва фаолияти жараёнида муҳим эканлиги, уни асраш, унинг бойликларини кўпайтириш, уларни софлигича авлодларга етказиб бериш учун зарурий ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилган.

Ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини шакллантириш мақсадига боғлиқ ҳолда бир қанча: ташкилий-бошқарув, табиий объектларни ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатшунослик, билимдонлик, табиатга бўлган муносабатини ташкил этиш вазифаларини амалга ошириш асосида ўқувчиларда бир қатор ижобий хусусиятлар такомиллаштирилган.



**1-расм. Ўсимликларни муҳофазалаш маданиятни такомиллаштириш мақсади**

Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришда ўқувчилардаги билимдонлик хусусиятлари муҳим ҳисобланади. Билимдонлик – бу инсонни ўраб турган ўсимликларга муносабати маълум бир мақсадга қаратилган қарашлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар ва таъсир кўрсатишларни ташкил этади. Билимдонлик ўсимликларни муҳофаза қилиш фаолиятнинг асосий функцияси бўлиб, у ўқувчининг меҳнат ва ўқиш фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бугунги кунда ўсимликларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш ўқувчидан билимдонликни талаб этади. Билимдонлик шахсдан мунтазам равишда ўсимликлар оламидаги ўзгаришлар борасида фикр юритишни, мавжуд ҳолатлар, сабабларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва салбий таъсирларни бартараф этиш борасидаги шахсий мулоҳазаларни ўртага ташлашни, ўз фикрини асослай олиш имкониятига эга бўлишини тақозо этади.

Ўсимликлар ҳақида билимларга эга бўлиш ўқувчиларни нафақат фаол фаолият олиб бориш, балки уларнинг мазмуни ҳамда даражасига оид функциялари бевосита атроф-муҳитга, табиат инъомларига, ўз Она диёрига унинг ҳар бир қарич ерига бўлган намунали ишларида намоён бўлади.

Бугунги кунда атроф-муҳит тозаллиги, табиат софлиги, гўзаллиги, бойлиги бевосита ўсимликларни муҳофаза қилиш маданияти билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳам академик лицей ўқувчиларига таълим-тарбия бериш билан чегараланмай, балки уларнинг табиат бойликларини асраш ва ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштириш маънавий эҳтиёжларини ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришда табиатнинг ранг-баранглиги, фойдали ва зарарли томонларини таништириб бориш, асраб-авайлаш, бойитиш ва

масъулият билан меҳнат қилиш муносабатида бўлиши кабилар муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар билимини оширишда атроф-муҳитга оид билимдонлик, табиатдаги объект ва ҳодисаларни қиёслай олиш, атроф-муҳитдаги ўзгаришларга бўлган муносабатда зийраклик, атроф-муҳитга нисбатан теран фикрлай олиш, ўсимликларга меҳр-муҳаббат, шахсий маъсулият, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, интилувчанлик, атроф-муҳит ҳимоясидаги ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, атроф-муҳитни асраб авайлаш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилишда қаътиятлик, табиий бойликлардан фойдаланишда тежамкорлик, озодалик ва покизалик, онглилик, маъсулиятлилик, иродалилиқ фазилатлари камол топади.

Диссертациянинг **“Ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштириш мазмуни, усуллари ва методикаси”** деб номланган иккинчи бобида ўқувчилар билимларини ривожлантиришнинг илмий-методик жиҳатлари асосланган.

Ушбу жараёнда ўқувчиларни Ер юзаси табиатининг хилма-хиллиги ҳақидаги билимларини кенгайтириш билан таништиришда уларнинг идрок қила олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда энг муҳим илмий маълумотлар дарс машғулотларида фойдаланилган. Ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштириш мақсад ва вазифалари, босқичлари, билим ва кўникмалар даражаси аниқланган.

Ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришда ўқитувчилар:

1. Ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсад ва вазифаларини, босқичларини, билим ва кўникмалар даражасини аниқлаш;

2. Ўсимликларни муҳофаза қилиш мазмунини белгилаш, инсон ва табиат узвийлигини умумлаштириш ва улардан фойдаланиш;

3. Ўсимликларни муҳофаза қилиш тамойиллари, шакл ва усуллари ҳамда уларни такомиллаштириш шарт-шароитларини амалга оширишга оид комплекс дастур тузиш;

4. Ўсимликларни муҳофаза қилиш тадбирларни, кўникмалар, эътиқод ва тушунчаларни ишлаб чиқиш;

5. Ўсимликларни муҳофаза қилиш самарадорлигини ва тарбияланганлик даражасини таркиб топтириш учун фаолият турларини аниқлаш каби ишларни амалга оширишнинг самарадорлиги аниқланган.

Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштириш методларининг имконияти шундаки, улар доимо ўқувчи руҳиятига ва амалиётига таъсир қилади. Бунинг натижасида ҳар бир шахс ўз онги, қобилияти, иродаси, қизиқиши, ҳис-туйғуларига ўз таъсирини ўтказади.

Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштириш методлари турли кўринишларга эга. Биринчидан, ҳар бир метод ташкил этилган педагогик фаолият жараёнида муҳим ўрин тутиб, махсус вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади. Иккинчидан, методлар ўсимликларнинг

хусусиятлари табиат, атроф-муҳит тақдири каби объектларни ҳам инобатга олади. Учинчидан, методлар таълим тарбия вазифаларининг маълум бир қисмини ҳал этишда ўз имкониятларидан фойдаланади. Ўқувчи хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг таъсир этувчи имкониятлари такомиллашади. Тўртинчидан, методларининг ҳар бири шахсни шакллантиришга таъсир этиш билан бирга, маълум сифатларни (салбий) бартараф этишга, ўзгартиришга, такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Бошқача сўз билан айтганда бирон бир методи умумий ҳисобланмайди ва ҳамма вазифаларни ҳал эта олмайди. Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришда ишонтириш, машқ қилиш, намуна, мусобақа, рағбатлантириш, жазолаш каби методлар узвийлигида, биргаликда амалга оширилган. Методларни қўллаш жараёнида дидактик, сюжетли, ролли, ижодий, ишбилармонлар ўйинлари, конференция, мунозарали, эркин фикрлаш, модулли дарс, модулли дастурлар, “зиг-заг” ёки “арра”, “биргаликда ўқиймиз”, ижодий изланишни ташкил этиш усуллари амалга оширилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштириш самарадорлиги ва тарбияланганлик даражаси, уларнинг хулқ-атворида, фаолиятида ўз ифодасини топган. Ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришда “Ботаника” фанидан ўтказиладиган машғулотларининг методикаси асосида ўсимликларни йиғиш, уларни сақлаш қоидалари, турларини аниқлаш, коллекциялар тайёрлаш, атроф-муҳитни, атмосфера ҳавоси ва ичимлик сувларини ифлослашдан сақлаш, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сонини сақлаб қолиш каби долзарб муаммолар улар онгига етказилган.

Инсон ва табиат узвийлиги тажрибаларини умумлаштирилиб, улардан фойдаланилади. Ушбу жараёнларининг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштиришнинг методик тизими ўқитувчиларга тавсия этилди. 1-расм.

Ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштиришда уларнинг яшаш муҳити ўртасида мутаносиблик ўрнатиш, табиатдаги ҳаёт тарзи ва ўсимликларни табиат бурчагида парвариш қилиш, табиат ҳақидаги бадиий китобларни ўқиш, нутқ, билим ва диққатларини ривожлантиришнинг методикаси такомиллаштирилган.

Академик лицейларда ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг турли хил усулларида фойдаланишда (кўргазмали, амалий, сўзлашув) табиат қўйнида экскурсиялар, фауна ва флора дунёсининг хилма-хиллиги, уларнинг табиатдаги аҳамиятига бағишлаб кечалар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу жараёнда ўқувчилар мустақил ишлар, керакли материалларни тўплайдилар, ҳисобот ёзадилар ва коллеккваум ёки синов топширадилар.



2-расм. Ботаника фанини ўқитишда ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштиришнинг модели.

Ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш усулларини амалга оширишда билиш, ўрганиш ҳамда атрофни ўраб турган оламга нисбатан бўлган тарбия жараёнларини амалга ошириш, ўсимликларни кузатиш, табиатга оид расмларни кўздан кечириш, моделлаштириш, кинофилм, диафилм, деапозитивларни кўрсатиш кабилар ўқувчиларда табиат тўғрисидаги аниқ тасаввурни шакллантириш имкониятини беради. Бундан ташқари амалий усуллар табиатда содир бўладиган ҳодисалар ва алоҳида олинган предметлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро алоқани ўрнатиш йўли орқали ўқувчиларда вужудга келган тасаввурни аниқлаштириш шароитлари такомиллаштирилган.

Ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш кўникмаларини таркиб топтиришнинг витаген босқичлари ишлаб чиқилган.(1-жадвал).

**Ўқувчиларда ўсимликларни муҳофазалаш кўникмаларини таркиб топтиришнинг витаген босқичлари**

<b>Аксиологик</b>	Ўқувчилардан ўсимликларни муҳофаза қилишга оид ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни кутилмаган вазиятларда вужудга келтирилган ўқув муаммоларни ҳал этишда таҳлил этиш, синтезлаш, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, хулоса яшаш ва мантиқий (индукция, дедукция, бош муаммони ажрата олиш) операцияларни бажаришни талаб этади.
<b>Функционал</b>	Ўсимликларни муҳофаза қилишга доир берилаётган маълумотларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар томонидан қисман изланишли даражадаги ўқув топшириқлар аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни, ҳамда ҳаётий жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш, қиёсий таққослаш ва умумлаштириш орқали <b>ижодий</b> фикр юритишни талаб этади.
<b>Адаптив</b>	Ўқувчилар ўзлаштирилаётган маълумотлар асосида муҳитга мослашиш, ўсимликларни муҳофаза қилиш кўникмаларига зид бўлган ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Мустақил иш топшириқлар ўқувчилар томонидан ўрганилган ҳаётий жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш, қиёслаш, аввал ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш ва умумлаштириш орқали хулоса ясашига замин тайёрлайди.
<b>Когнитив</b>	Ўсимликларни муҳофаза қилишга оид витаген маълумотларни пассив ўзлаштиради, бу босқичда ўқувчиларда берилаётган маълумотларни келгусида қайси мақсадда фойдаланиши ҳақида тасаввури бўлмайди. Маълумотлар репродуктив даражада ўзлаштирилади.
Ушбу босқичларнинг ҳар бири ўқувчиларда мустақил ишлаш, билимларни мустаҳкамлаш ва амалиётда қўллаш малакаларини ҳосил қилиш асосида мақсадларга эришиш имкониятлари амалга оширилган.	

**1-жадвал.**

Ўқитувчининг табиат ва ундаги тирик организмларнинг бир-бири билан алоқаси тўғрисида суҳбатларни ташкил этиш ўқувчиларда табиатга нисбатан

ижобий ҳис-туйғуни шакллантирувчи восита ҳисобланади. Ёввойи ўсимликлар тўғрисидаги бадий адабиётларни ўқиш, рангли расмларини кўрсатиш кабилар ёрдамида ўқувчилар яшаб турган муҳитга мослашиш, табиатни, атроф олами билиш, уни кузатиш кўникма ва малакалари ривожланади. Кузатиш методи таълим-тарбиянинг асосий усули сифатида ўсимликларнинг ички ва ташқи тузилмалари, сифати ва хоссалари, мавсумий ўзгаришларнинг сабаблари (ўсимлик ва жониворлар)ни аниқлаш ва ўрганиб бориш имкониятини яратади.

“Ботаника” фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштиришда уларни атроф муҳит ҳақидаги маълумотлар, ўзбек халқининг экологик қадриятлари, табиат байрамлари, сайлларда иштирок этиш ва меҳнатсеварлик кабилар ер, сув, ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиат ресурслари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш жараёнида уларда гўзаллик, меҳр-муҳаббат, табиатдан оқилona ва тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва уларни ҳимоя қилиш, сақлаш, уларни кўпайтириш ва келажак авлодларга етказиш билан боғлиқ бўлган шахсий масъулият, виждонлилик, бурчга садоқат, қатъиятлилик, ташаббускорлик кабиларни ривожлантиради.

Ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданияти такомиллаштирилган. Уларнинг шахсий тажрибалари атрофдаги жонли ва жонсиз табиатда юз бераётган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида билимлари ривожлантирилган. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг “Ботаника” фанининг илмий-назарий ва амалий ютуқлари билан яхши таниш бўлиши, ўқувчиларда ўқитишни тўғри ташкил қилиши “Ботаника” фанларининг асосларини, унинг шакл, метод ва услубларни ўз ўлкасининг табиат хусусиятларини яхши ўрганишлари ўқитиш самарадорлигини ривожлантиради.

**“Ботаника фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштириш методикаси ва тажриба-синов ишларининг натижалари”** деб номланган учинчи бобда табиий фанларини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш бўйича тажриба – синов ишлари ва натижалари амалга оширилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йилларида ТошДАУ академик лицейи (125 нафар ўқувчи), ЖДПИ академик лицейи (110 нафар ўқувчи), ГулДУ академик лицейи (115 нафар ўқувчи) ўқувчиларида олиб борилди.

Тажриба-синов ишларининг биринчи босқичида ўқувчиларда табиатдаги ўсимликларга объектив тўғри тушунчалар ҳосил қилиш, фикрлаш, табиатдаги фаолиятни, унга муносабатни олдиндан тўғри режалаштириш;

ўсимликларга нисбатан зийраклик, уларга қизиқувчан бўлиш, табиат гўзаллигини ҳис этиш, гўзаллик табиат ва инсон томонидан



яратилганлигини англаш, инсоннинг табиатдаги ўзгартирувчилик ролини тушуниш;

табиатдаги ўсимликларни муҳофаза қилишда қатъиятлилиқ бўлиш. салбий хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, қийинчилиқларни енгиб, олдиға қўйган мақсадни амалға ошириш, бошлаган ишини охириға дадил етказа олиш;

ўсимликларни муҳофазасида ташаббускорлик кўрсатиш, яъни табиатни асраш учун дўстларни жалб этиш, янги гуруҳларни тузиш, янги ғоялар, экологик билимларни тарғиб этиш ва фаолият жараёниға олиб кириш;

меҳнатсеварлик билан ижтимоий-фойдали меҳнатға ҳавас ҳиссини шакллантириш, меҳнат малакаларини эгаллаш, ҳаракатларнинг аниқ ва уйғун бўлишиға эришиш, меҳнат қилиш жараёнида жисмоний етукликка интилиш, ўз меҳнат фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш, ўзи ва дўстларининг меҳнатини холисона баҳолаш;

ўсимликларни асраб-авайлашда фаолликка эришиш, ўсимликларға эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиат билан инсон ўртасидаги субъект-субъект муносабатларининг фаол намоён бўлиши кабилар амалға оширилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида:

1. Академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофаза қилишға оид қандай тадбирлар ўтказилди, уларнинг ғояси ва таҳлилий мазмуни сизни қониқтирадими?

2. Ўсимликларни муҳофаза қилишда сизнинг шахсий иштирокингиз қандай?

3. Табиатға оид тадбирлар ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантиришда қандай ёрдам беради?

4. Ўсимликларни муҳофаза қилишда табиатға оид тадбирларнинг ролини қандай баҳолайсиз?

5. Ҳалқаро ва Ўзбекистон қизил китобиға киритилган ўсимлик турларини санаб беринг?

6. Ўсимликлар дунёси табиатда қандай аҳамиятға эға?

7. Ўзбекистонда ўсимликлар дунёси муҳофазаси ҳақидаги қонунларни биласизми? каби саволларға жавоблар олинди. Ушбу жараёнда лицей ўқувчиларининг ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятининг ривожланганлик даражаси аниқланди.

Ботаника фанини ўқитиш жараёнида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллашганлик даражаси ва мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш учун педагогик кузатишлар олиб борилди.

Ушбу жараёнда ўсимликларға оид билимлар тизими ва уларни амалиётда қўллай олиш, табиатға бўлган муносабатлар, атроф-муҳит, табиат, ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллаштиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилди. Унда дарсларни ноанъанавий шаклда ташкил этиш, ўсимликларни муҳофаза қилишға бўлган қизиқишни шакллантиришда фанлараро алоқадорлик ва боғлиқлик интеграциясини амалға ошириш асосларини ишлаб чиқиш, уни кенг тарғиб этиш,

ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва “Ботаника” фанига оид янги ўқув, методик адабиётлар билан ишлаш, дарс машғулотларида самарали йўлга қўйишга оид методик тавсияларни тайёрлаш, илмий -амалий анжуманлар ва семинарлар ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Ўқувчиларнинг ўсимликлар дунёси билан иқлим ўртасидаги боғланишни аниқлай олишларни ўрганиш, тупроқ ва ҳаводаги намлик, Кавказнинг Қора денгиз бўйларида тупроқларнинг унумдорлиги, ўсимликларнинг қалин, йирик дарахтлар кўплигини билиш асосида уларда ўз ўлкасининг табиий хусусиятлари ўрганилди.

2-жадвал

### Тажриба-синов ишларининг якуний натижалари


Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини такомиллашганлик даражаси		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба-синов	176	91	68	17
Назорат	174	55	58	61

Тажриба-синов ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

**1-танланма**  $X_i$ : юқори(“5”)      ўрта(“4”)      паст(“3”)  
 (тажриба гуруҳи)  $n_i$ :      91                      68                      17  
 $n=176$ .

**2-танланма**  $Y_j$  юқори(“5”)      ўрта(“4”)      паст(“3”)  
 (назорат гуруҳи)  $n_j$       55                      58                      61  
 $m=174$

### Тажриба-синов натижаси бўйича ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожланганлик кўрсаткичлари диаграммаси



Энди, тажриба-синов ва назорат гуруҳлари учун ўрта қийматларни ҳисоблаймиз,

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i x_i = \frac{1}{176} (91 \cdot 5 + 68 \cdot 4 + 17 \cdot 3) = 4,42$$

Ўрта қиймат назорат гуруҳи учун

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i x_i = \frac{1}{174} (55 \cdot 5 + 58 \cdot 4 + 61 \cdot 3) = 3,97$$

тажриба-синов ва назорат гуруҳларининг ўртача айирма коэффициентни қуйидагича бўлади:

$$L = \bar{X}_{t.s} - \bar{Y}_{n.g} = 4,42 - 3,97 = 0,45$$

тажриба-синов ва назорат гуруҳларининг нисбий ўзлаштириш коэффициентни қуйидагича бўлади:

$$K = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}} = \frac{4,42}{3,97} \approx 1,11$$

тажриба-синов ва назорат гуруҳларининг танланма ўзгарувчан вариация кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Бунинг учун, тажриба-синов ва назорат гуруҳлари учун танланма дисперсияларни ҳисоблаш талаб қилинади.

**Тажриба-синов гуруҳлар учун:**

$$\overline{X^2} = \frac{91 \cdot 25 + 68 \cdot 16 + 17 \cdot 9}{176} \approx 19,97, \quad \text{ўртача киймат квадрати}$$

$$(\bar{X})^2 = (4,42)^2 \approx 19,53, \quad \text{дисперсия эса, } S_T^2 = \overline{X^2} - (\bar{X})^2 = 19,97 - 19,53 = 0,44$$

**Назорат гуруҳлар учун:**

Квадрат ўртача қиймати:

$$\overline{Y^2} = \frac{55 \cdot 25 + 58 \cdot 16 + 61 \cdot 9}{174} \approx 16,39$$

Ўртача қиймат квадрати:  $(\bar{Y})^2 = (3,97)^2 \approx 15,76$

Дисперсия:  $S_n^2 = \overline{Y^2} - (\bar{Y})^2 = 16,39 - 15,76 = 0,63$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз:

$$\tau_t = \sqrt{0,44} \approx 0,66 \quad \tau_n = \sqrt{0,63} \approx 0,8$$

Ушбу ҳисоблашлардан келиб чиқиб, вариация кўрсаткичларини топамиз.

$$V_{t.s} = \frac{\tau_m}{\bar{X}} \cdot 100\% = \frac{0,66}{4,42} \cdot 100\% \approx 14,8\%$$

$$V_{n.g} = \frac{\tau_n}{\bar{Y}} \cdot 100\% = \frac{0,8}{3,97} \cdot 100\% \approx 20,15\%$$

Ҳисоблаш натижаларига кўра,  $V_{t.s} < V_{n.g}$  бўлганлигидан, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш даражаси назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлиги,  $V_{t.s} = 14,8\% < 17,47\%$  ва  $V_{n.g} = 20,15\% > 17,47\%$  эканлигидан эса, тажриба-синов гуруҳига нисбатан ҳисобланган ўртача


арифметик қиймат кўрсаткичи шу гуруҳларга мос келадиган бош тўпلامдаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичини тўғри эканлиги келиб чиқади. Ишончли оралиқни топамиз:

$$\Delta_{t.s} = 1,96 \cdot \frac{0,66}{\sqrt{176}} \approx 0,097, \quad \Delta_{n.g} = 1,96 \cdot \frac{0,8}{\sqrt{174}} \approx 0,11.$$

Демак тажриба-синов гуруҳи учун ишончилиқ оралиқ:

$$[\bar{X}_{t.s} - \Delta_{t.s}; \bar{X}_{t.s} + \Delta_{t.s}] = [4,324; 4,518]$$

Буни геометрик тасвирласак:



$$M = \frac{\bar{X}_{t.s} - \Delta_{t.s}}{Y_{n.g} + \Delta_{n.g}} = \frac{4,324}{4,08} = 1,06 > 1$$

$M$  - таълим самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичи.

Энди, тажриба ва назорат гуруҳларида биз тафсия қилаётган илмий методик ишлар асосида тажриба-синов ўтказилгандан сўнг ўқувчиларнинг билим даражаларида катта ўзгариш сезилмаган ҳолда  $H_0$  гипотезани илгари сурамиз.

Агар тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба-синов ўтказилгандан сўнг ўқувчиларнинг биз тафсия қилаётган илмий методик ишлар асосида тажриба-синов ўтказилгандан сўнг билим даражаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилса, муқобил  $H_1$  гипотеза қабул қилинади.

Айтайлик,  $\bar{X}$  ва  $\bar{Y}$  мос равишда тажриба ва назорат гуруҳларидаги саволлари учун берилган жавобларнинг ўртача натижаларни ифодаласин. Улар турлича бўлсин. Агар  $\alpha = 0,05$  қийматдорлик даражаси олинса, бу фарқ  $H_0$  гипотезани,  $m_T = n_n$  ни рад этишни текшираамиз. Бунинг учун қуйидаги тенгсизликларни тузиб оламиз:

$$-t_\alpha \sqrt{\frac{S_t^2}{N_t} + \frac{S_n^2}{N_n}} < \bar{X} - \bar{Y} < t_\alpha \sqrt{\frac{S_t^2}{N_t} + \frac{S_n^2}{N_n}}$$

Стьюdent меъзони жадвалдан  $t_\alpha$  миқдор  $\alpha = 0,05$  дан топилади. Аммо танланмалар ҳажми етарлича катта бўлганлиги сабабли биз  $t_\alpha$  ни нормал тақсимот жадвалидан оламиз:  $t_\alpha = 1,96$ .

У ҳолда оралиқ қуйидагича бўлади:

$$(-1,96\sqrt{0,008}; 1,96\sqrt{0,008}) \approx (-0,175; 0,175)$$

Шундай қилиб,  $|\bar{X} - \bar{Y}| = 4,42 - 3,97 \approx 0,45 > 0,175$ .

Демак,  $H_0$  гипотеза рад этилди. Муқобил бўлган  $H_1$  гипотеза, яъни  $m_t > n_n$  қабул қилинди. Таҳлил натижаларига кўра диссертациянинг илмий натижалари асосида дарс жараёни ташкил қилиш 11% самарали эканлиги ўз тасдиғини топди. Юқоридаги статистик таҳлил диссертацияда таклиф этилаётган методиканинг ишончлилигини тасдиқлайди.

## ХУЛОСАЛАР

“Ботаника” фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштириш” (академик лицейлар мисолида) мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. “Ботаника” фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларининг ўсимликларни муҳофазалаш маданиятининг мазмуни (атроф-муҳитга оқилона муносабатни таркиб топтириш, табиатсеварлик, ўсимликларни химоя қилиш иммунитетни мустаҳкамлаш)нинг методологик асослари аниқлаштирилган.

2. “Ботаника” фанини ўқитишда ўқувчиларда ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш тизими мазмуни табиат муҳофазасига қаратилган кўникмалар (эстетик идрок, ўсимликлар ўзгарувчанлигини давомли кузатиш, маъсулик)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

3. “Ботаника” фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш методикаси, мазмуни, шакл ва методлари такомиллаштирилган.

4. Методологияга бир бутун, яхлит ёндошиш натижасида ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш тизими илмий аниқлаштириш, “Ботаника” фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган.

5. “Ботаника” ўқув фани машғулотида ўқувчиларда фанлараро боғланиш орқали касбга йўналтириш ва ноананавий ўқитишнинг шакл-усулларидан фойдаланган ҳолда самарадорликка эришилган.

6. “Ботаника” фанини ўқитиш жараёнида академик лицей ўқувчиларида ўсимликларни муҳофазалаш маданиятини ривожлантириш методлари (қиёслаш, хулоса чиқариш, табиат бурчаги элементларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни асраш бўйича амалий ҳаракатлар)ни қўллаш асосида такомиллаштирилган.

7. Ўтказилган тажриба синов натижалари математик статистиканинг Student мезони асосида таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра диссертациянинг илмий натижалари асосида дарс жараёни ташкил қилиш 11% самарали эканлиги ўз тасдиғини топган.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, ўқувчиларни ўсимликларни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш самарадорлиги юзасидан қуйидаги тавсиялар шакллантирилди:

1. Янги Ўзбекистон тараққиётини ривожлантириш шароитида узлуксиз таълим ўқувчи-ёшларда ўсимликларни муҳофазалаш компетенцияларини такомиллаштириш.

2. Табиат бойликларидан фойдаланишда тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, табиат ресурслари ва бойликларидан фойдаланишда табиат қоидаларини билиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСМАИЛОВ ХУРШИД ЭСИРГАПОВИЧ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ У  
УЧАЩИХСЯ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ БОТАНИКИ  
(на примере академических лицеев)**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (биология)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик-2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером B2021.3PhD/Ped685 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cspr.uz](http://www.cspr.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Махкамов Улфат Илхомович  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Тожиёва Зулхумор Назаровна  
доктор географических наук, профессор

Хасанова Шохиста Бобоколоновна  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

**Ведущая организация:** Бухарский Государственный университет

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «17» *сентября* 2022 года в *14.00* ч. на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720 Ташкентская область, г.Чирчик, ул.Амира Темура, 104-дом. Тел.: (99870) 712-45-41; e-mail:chdpi-kengash@umail.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована за номером *81*). Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул.Амира Темура, 104-дом. Тел (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «03» *сентября* 2022 года.  
(протокол реестра рассылки № от «02» *сентября* 2022 года)





## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире реализуются масштабные реформы в сфере глобального сотрудничества в области защиты растений, внедрения цифровых воздействий и биотехнологических инноваций, создания ботанических коллекций. В глобальной стратегии сохранения растений определены задачи «создания документации ex-situ (метод сохранения видов) о разнообразии растений и распространении в дикой природе мира, об охраняемых территориях и коллекциях; разработки комплексных и интерактивных информационных систем для управления информацией о разнообразии растений, а также изучения социальных, культурных и экономических факторов, влияющих на разнообразие видов»<sup>1</sup>. При выполнении этих задач развитие культуры защиты растений у учащихся общеобразовательных учреждений является актуальной проблемой.

Проводятся исследования в области защиты мировой флоры, сохранения биоразнообразия, разумного использования растительных ресурсов, создания безопасной экологической среды, защиты растительных ресурсов, развития экологической культуры у учащихся, наблюдения за изменениями в жизни растений, проведения экспериментов над ними, значения в природе и жизни человека, изучения лечебных свойств. Растительный мир является национальным достоянием, и особое значение имеет разработка комплексных технологий развития у учащихся культуры охраны, его рационального использования, совершенствование на основе современных подходов, повышение эффективности уроков и внеурочных мероприятий.

В нашей Республике вопросам укрепления определенных взаимосвязей природы и человека в стране, предотвращения исчезновения видов растений, охраны окружающей среды, развития культуры рационального использования природных ресурсов уделяется большое внимание. Развитые страны и международные организации также признают, что Узбекистан проводит сильную и дальновидную политику в этом отношении. В частности, в качестве приоритетных определены «защита и обеспечение качества объектов окружающей среды (атмосферного воздуха, воды, земель, почв, недр, биоразнообразия, особо охраняемых природных территорий) от антропогенных воздействий и других неблагоприятных факторов»<sup>2</sup>. В процессе обучения биологии в академических лицеях требуется формирование рационального отношения учащихся к окружающей среде, воспитание в духе любви к природе, совершенствование методов воспитания культуры охраны растительного мира.

---

<sup>1</sup> Глобальная стратегия сохранения растений // <https://www.cbd.int/doc/publications/pc-brochure-ru.pdf>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 10 октября 2019 года УП-5863 «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» // <https://www.lex.uz/ru/docs/4574008>

